

## ТАРҚОҚ СКЛЕРОЗДА НЕЙРОСПЕЦИФИК S-100 ОКСИЛИ ВА ЛИПОПРОТЕИДЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

<sup>1</sup>*Якубова Мархамат Миракрамовна.*

<sup>2</sup>*Рўзумова Нилуфар Икром қизи*

<sup>1</sup>*Тошкент тиббиёт академияси неврология ва тиббий  
психология кафедраси профессори, т.ф.д.*

<sup>2</sup>*Тошкент Тиббиёт Академияси педиатрия, стоматология,  
халк табобати ва тиббий педагогика факултети талабаси*

**Аннотация.** Тадқиқотда, тарқоқ склерозда зичлиги паст липопротеидлар кўрсаткичларини ва қон зардобида ИФА усули ёрдамида S-100 оқсил микдорини аниқлаш таҳлилининг жорий қилиниши, маҳсус ишлаб чиқилган мезонлар асосида қиёсий ташхислашни амалга ошириш, шунингдек касалликни прогноз қилиш, дифференциал-даволаш ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Калит сўзлари.** 100 оқсил, склероз, дисметаболик жараён, тарқоқ склероз.

Тарқоқ склерознинг клиник-патогенетик ривожланиши, кечиши ва даволаниши муаммосига қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда, уларнинг доирасида қатор илмий изланишлар касалликни эрта ташхислашда клиник, нейровизуалогик, биокимёвий текширувлар динамикасига қаратилган. Тарқоқ склерозни эрта ташхислашда ва нейродегенерацияни баҳолашда S-100 оқсили нейроспецефик маркёр сифатида баҳоланган (1). S-100 оқсили кўрсаткичлари тарқоқ склерознинг шаклига, кечиш турларига, давомийлигига кўра фарқ қилиши аниқланган (2). Тарқоқ склерозда иммунопатологик комплекслар миелин липидлари иштирокида пайдо бўлиши ва бу қонда зардоби ҳамда цереброспинал суюклиқда яллигланиш ва яллигланишга қарши факторлар дисбаланси билан ифодаланиши исботланган (3). Тарқоқ склерозда томирлардаги яллигланиш жараёни бош мия томирларидан ташқарида ҳам содир бўлиши аниқланган ва бу ҳолат тарқоқ склерозда тизимли жараёнлар мавжудлигини кўрсатган (4). Тарқоқ склерозда ногиронлик даражаси ва касалликнинг кечишини дисметаболик жараёнлар ва дилипидемия билан боғлиқлиги ўрганилган( 5). Тарқоқ склероз аутоиммун касаллик эмас, балки касалликнинг моддалар алмашинуви бузилиши билан боғлиқлиги исботланган (1). Тарқоқ склерозда беморлардаги ногиронлик даражаси ва зичлиги паст липопротеид кўрсаткичлари орасида мутаносиблик мавжудлиги кўрсатилган (6).

Бу хусусида S-100 оқсил нейроспецифик маркёр сифатида Ўзбекистонда ҳам қатор илмий изланишлар олиб борилган, жумладан, S-100 оқсил микдори

экстарпирамидал касалликларда патологик ошиши исботланган (9). Болаларда асаб тизимининг перинатал заарланишида S-100 оқсили миқдори патологик ошиши аниқланган (8). Ўзбекистонда туғилган европа ирқига мансуб беморларда тарқоқ склерознинг клиник белгилари ривожланишида ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган (7).

**Тадқиқотнинг мақсади** тарқоқ склерознинг клиник-неврологик хусусиятларини ва шунга боғлиқ холда касаллик патогенезида нейроспецифик S-100 оқсили ва липопротеидларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг материаллари ва усуслари** Илмий тадқиқот ишини олиб боришда тарқоқ склероз ташхиси қўйилган 100 нафар бемор иштирок этган бўлиб, улар Тошкент тибиёт академияси 3-клиникаси неврология бўлимида ва 1- Республика клиник шифохонасида стационар ва амбулатор даволанганлар. Биокимёвий текширувлар 54 та беморда ўтказилди. Назорат гуруҳини эса 20 нафар соғлом шахслар ташкил этган. Беморлар ёши 19 ёшдан 55 ёшгacha бўлиб, ўртача  $34,4 \pm 0,9$  ёш. Касаллик давомийлиги ўртача  $6,46 \pm 0,62$  йилни ташкил этди.

Умумий холатларнинг 30 тасида (30%) эркаклар учради ва уларнинг ўртача ёши  $33,5 \pm 0,8$  ёшни ташкил этди. Аёллар – 70 (70%) ҳолатда кузатилган бўлиб, уларнинг ўртача ёши  $34,8 \pm 0,8$  ёшни ташкил қилди. Тадқиқот натижалари жинси ва ёши бўйича (ўртача ёши  $34,1 \pm 0,5$ ) мос келувчи 20 амалий соғлом шахслар (7 та эркак (35%) ва 13 та аёл (65%)) кирган назорат гуруҳи билан таққосланди. Назорат гуруҳига субъектив шикоятлари ва объектив неврологик симптоматикаси йўқ бўлган мезонлар хисобга олинди.

**Тадқиқот натижаси.** Маълумки тарқоқ склероз касаллигига бир қанча система функциялари бузилганлигини кўришимиз мумкин. Касалликнинг шаклига кўра қайси системанинг кучли ифодалангандигини таҳлил қилдик. Таҳлил натижаларига кўра, касалликнинг цереброспинал шаклида чаноқ аъзолари функцияси, сезги сфераси, пирамида системаси ўзгаришларини кучлироқ ифодалангандиги аниқланди.

Тарқоқ склерозда клиник неврологик ўзгаришларни касалликнинг кечиши ва давомийлигига қараб хам таҳлил қилинди. Унга кўра тарқоқ склерознинг бирламчи ва иккиламчи прогрессирланувчи кечишида неврологик белгилар яққол ифодалаган. Айниқса пирамидал тизим патологияси 92% bemорларда аниқланди. 89% bemорларда чаноқ аъзолари тизимида патологик ўзгаришлар аниқланди.

1-жадвал

**Тарқоқ склерознинг клиник шаклларида нерв системаси  
патологиясининг ифодаланиш даражаси.**

|                           | Церебрал шакли | Мияча шакли  | Церебро-спинал |
|---------------------------|----------------|--------------|----------------|
| Бемор сони                | 6              | 27           | 67             |
| Пирамидал тизим фаолияти  | 6та (100%)     | 22та (66,6%) | 64 (95,5%)     |
| Мияча фаолияти            | 2та (32%)      | 27та (100%)  | 50 (74,6%)     |
| Сезги тизими фаолияти     | 4 та(65%)      | 21 (63,8%)   | 64 (95,5%)     |
| Чаноқ аъзолари фаолияти   | 4та (65%)      | 5 (15%)      | 57 (85%)       |
| Кўрув тизими фаолияти     | 3та (50%)      | 17 (51%)     | 18 (27%)       |
| Олий асаб тизими фаолияти | 5та (83%)      | 24 (87,8%)   | 42 (62,6%)     |

*Кўрув тизими фаолияти.* Кўрув ўткирлигининг пасайиши, қўз олдида туман бўлиши, диплопия каби симптомлар, касалликнинг биринчи белгилари сифатида (дебют) намоён бўлади. Кўрув ўткирлигининг сезиларли пасайиши ва бутунлай йўқолиши ретробульбар неврит сифатида аниқланади. Бу кўрув нервининг бирламчи демиелинизацияси билан боғлиқ бўлиб, бир томонлама ёки икки томонлама бўлади ва аёлларда кўпроқ учрайди.

*Пирамидал функция.* Ҳаракат системасидаги ўзгаришлар bemorlarда спастиканинг ошиши ва парезлар билан ифодаланади. Демиелинизация ўчоқлари жойлашувига кўра гемипарез, парапарез, монопарез кузатилади. Беморларимизнинг 80% ида пирамидал тизим ўзгаришлари аниқланди. *Мияча фаолияти.* Мияча функцияси изоляциялашган ҳолда жуда кам учрайди. Асосан пирамида системасиниг мушаклар спастикасидаги ўзгаришлар билан қўшилади. Мияча фаолияти бузилиши мича атаксияси, интенцион тремор ва скандирлашган нутқ кўринишида учрайди. Беморларимизнинг 87% ида интенцион тремор ва 63% ида атаксия аниқланди.

*Сезги тизими фаолияти.* Сезги тизими фаолиятининг бузилиши касалликнинг илк белгилари сифатида намоён бўлади. Беморларда парестезия, гиперестезия, сенситив атаксия кўринишида ривожланади. Чукур сезгининг бузилиши эса bemorlarда актив ҳаракатлар чекланишига сабаб бўлади. 69% bemorlarда юзаки сезги бузилишларини, 65% bemorlarда чукур сезги бузилишлари аниқланди.

*Чаноқ аъзолари фаолияти.* Асосан сийдик тута олмаслик ва гиперактив сийдик пуфаги каби симптомлар билан намоён бўлади. Чаноқ аъзолари фаолияти бузилиши ижтимоий фаолликни пасайтиради ва ҳаёт сифатини оғирлаштиради. 45% bemorlarда чаноқ аъзолари функцияси бузилганлиги аниқланди. Касаллик узоқ давом этган сари бу кўрсаткич ҳам ошиб бориши кузатилди.

Олий асаб тизими фаолияти. Тарқоқ склерозда асосий когнитив ўзгаришлар депрессия ёки эйфория кўринишида кузатилади. Депрессия касалликнинг илк босқичларида умумий холсизлик билан намоён бўлади. Касаллик ривожланган сари беморларда кайфиятнинг кўтарилиши - эйфория ҳолати ривожланади.

Касалликнинг давомийлигига кўра таҳлил қилганимизда, беморларни 3 гурухга бўлдик. 33% беморлада касаллик 5 йилгача, 37% беморларда 5-10 йилгача, 30% беморларда касаллик 10 йилдан узоқ давом этган. 70% беморларда касаллик 1-10 йилгача давом этган. Нерв тизими фаолияти ўзгаришлари касаллик давом этган сари кучли ифодаланиб борган. 93% беморларада пирамидал тизим фаолияти кучли ривожланиб борган, 56% беморларда чаноқ аъзолари фаолияти кучайиб борган.

Тарқоқ склерозда касалланган беморларни касалликнинг кечишига кўра таҳлил қилинди: касалликнинг бирламчи прогрессирловчи кечиши кеч бошланади ва асосан мияча ва пирамида системаси ўзгаришлари билан (80-85%) намоён бўлади, деярли барча тизимларда кучли патологик ўзгаришлар кузатилган; тарқоқ склерознинг реммитирловчи кечиши (73%) эрта бошланиши ва неврологик танқисликнинг секин ривожланиши билан ифодаланди, кейинчалик авж олиш даврлариниг кўпайиши билан иккиласми прогрессирловчи кечишига ўтиши мумкин; тарқоқ склерознинг иккиласми прогрессирловчи кечишида (19%) биринчи ремиссия даври кам бўлади, авж олишлар бир йилда бир маротаба бўлади, аммо неврологик дефицит реммитирловчи кечишига қараганда кучли бўлади; тарқоқ склерознинг бирламчи прогрессирланувчи кечиши (5%) кеч бошланади аммо, ривожланиши жуда тез (бир йил ичида) бўлади, неврологик танқислик юқори даражада бўлади.

Касалликнинг кечишига кўра ҳам беморларда системалар фаолияти бузилишини таҳлил қилдик. Чанок аъзолари функцияси ва пирамида системаси деярли касалликнинг барча турларида ифодаланган даражада бузилади. Бу ногиронликка сабаб бўлувчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Беморларда ногиронлик даражасини баҳолаш учун беморлар ҳолатини EDSS шкала бўйича кузатдик. Натижаларда, EDSS шкаласининг кўрсаткичлари касаллик давомийлиги ошган сари кўтарилиб боришини куришимиз мумкин. Баъзан хар бир авж олиш даврида шкаланинг 1-2 балл дан кўпайиб бориши кузатилди.

Тарқоқ склероз мавжуд 100 та беморда демиелинизация ўчоқларини баҳолаш мақсадида МРТ текшируви ўтказилди. МРТ холосаларини патологик ўчоқларнинг ўлчамига қараб гурухларга бўлдик. Унга кўра 31% беморларда кичик ҳажмли (0,2-0,8 см) ўчоқлар; 45% беморларда ўрта ҳажмли (0,9-1,4 см) ўчоқлар; 24% беморларда йирик ҳажмли (1,5-1,9%) патологик ўчоқлар аниқланган. Демиелинизация ўчоқлари асосан субкортикал (77%) ва перивентрикуляр-субкортикал соҳада (60%) жойлашган. МРТ текшируvida 83%

беморларда ён қоринчалар кенгайиши ва 78% bemorларда ён қоринчаларнинг асимметрияси учради.

## ХУЛОСАЛАР

Тарқок склерозининг авж олган даврида, bemorларнинг қон зардобидаги s-100 оқсил микдори концентрациясининг юқорилиги кузатилиши сабабли бу кўрсаткич ёрдамида тарқоқ склерознинг авж олиш ва ремиссия даврларини ажратиб олиш ва неврологик дезадаптацияни прогноз қилиш мумкин. Тарқок склероз билан касалланган bemorларда s-100 оқсил ва зичлиги паст липопротеидлар кўрсаткичлари орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик борлиги кузатилиши тарқоқ склероз билан касалланаган bemorларда нейроспецифик s-100 оқсил ва зичлиги паст липопротеидлар микдорини чуқур ўрганишга, касалликни прогноз қилишга, қиёсий ташхис ўтказилишга, шу асосида даволаш муолажаларини ўз вақтида ўтказилишига ёрдам беради.

## Адабиётлар

1. Якубова М.М., Мухиддинова М.А. Определения активность и степени инвалидизации пациентов при стадии рассеянного склероза/Материалы конференции Журнал Неврология Ташкент,2018. - №4. - С.-100 (14.00.00, №4).
2. Якубова М.М., Мухиддинова М.А. Роль нейроспецифического белка s-100 при развитии рассеянного склероза/Доклад конференция. Журнал Неврология Ташкент, 2019. - №4. - С.-103-104 (14.00.00, №4).
3. Yakubova M.M., Mukhiddinova M.A., Parpiyeva Y.R. Dependence of indicators of quality of life of patients with multiple sclerosis from the degree of disabilities Пострый доклад //Uluslararası Turk DunyasiMultipl Scleros Kongresi International Turkic World Congress of Multiple Sclerosis Abstracts book. Turkia,2019.pp-14
4. Mukhiddinova M.A. The value of neuro-specific protein S-100 and lipoproteins in the development of multiple sclerosis/Материалы конференции For participating in the international scientific and practical conference USA, September 2020 pp72-74
5. Langeh U., Singh S. Targeting S100B protein as a surrogate biomarker and its role in various neurological disorders //Current Neuropharmacology. – 2021. – Т. 19. – №. 2. – С. 265-277.
6. Barateiro A. et al. S100B as a potential biomarker and therapeutic target in multiple sclerosis //Molecular neurobiology. – 2016. – Т. 53. – С. 3976-3991.
7. Woliński P., Jałosiński M., Głabiński A. SYMPOSIUM: MULTIPLE SCLEROSIS. Mechanisms of neurodegeneration and its markers in multiple sclerosis //Current Neurology. – 2008. – Т. 8. – №. 1. – С. 25.
8. Zhong Chong Z. et al. Identifying S100B as a biomarker and a therapeutic target for brain injury and multiple diseases //Current medicinal chemistry. – 2016. – Т. 23. – №. 15. – С. 1571-1596.
9. Missler U. et al. S-100 protein and neuron-specific enolase concentrations in blood as indicators of infarction volume and prognosis in acute ischemic stroke //Stroke. – 1997. – Т. 28. – №. 10. – С. 1956-1960.